

7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк берилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % микдорида пеня тўлайди.

7.4. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса, «Сотувчи» 0,1 % микдорда жарима тўлайди.

7.5. Махсулот учун «Харидор» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса, маблағ микдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 50 % микдордан ошиб кетмаслиги керак.

7.6. «Сотувчи» омонидан ўз вақтида мол-мулк олиб чиқиб кетилмаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Харидор» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «Сотувчи»га омондорда сақланганлигидан келиб чиққан зарар учун 0,5 % микдорида жарима тўлайди.

7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.

8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши

11. Бошқа ҳолатлар

11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб 2 нусхада тузилган, ҳамда ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил февралдаги ПК-594-сонли қарорига асосан Газначиликда рўйхатга олингандан кейин юридик кучга эга бўлади

11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____

11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари

Сотувчи	Харидор
Мол етказиб берувчи: "CENTRAL-PHARM SERVIS" МЧЖ	Бюджетдан маблағ олувчи: Академик Ё.Х.Туракулов номидаги РИЭИАТМ Корак
Манзил: Нукус шаҳар Ерназар Алақоз кучаси 1уй	Манзил: г Нукус Ул Ч.Абдиров 1
Тел/Факс: +998973489009 +998907240102	Тел/Факс 61.226-63-36
Х/Р: 2020 8000 4051 3492 9001	ш/х*404421860354017073201054004
Банк номи: "InFinBank" КК филиали	Бюджетдан маблағ олувчи СТИР и 202389728
МФО: 01139	ОКЭД 86220
СТИР: 306 628 992	Молиявазирлиги Ягона Газнахисобварағи
ОКОНХ: 86900	Газна х/в: 23402000300100001010
	Банк номи: Марказий банк Тошкент ш бош бошқармаси ХККМ
	МФО: 00014
	Газначилик булинмаси СТИР и 201122919
Рахбар Маҳсатов И	Рахбар Ж.Н.Уббиев

Хукукшунос _____

№ _____ 20 ____ йил

Изох; *) -----Бюджетдан маблағ олувчининг газначилик булинмасида очилган тегишли шахсий ҳисоб варағи (шахсий ҳисоб варақлари) қўрилди,



Сотувчи
рес-д: *Уммурадов.В.*